

ТОҶИГ ҶОЛДУЗИ

№ 15
(6577)
11 май, 1994 йил
СЕНАНБА
Соғувда эркин
наҳд.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

ХАЙР ЭНДИ, “АЛИФБЕ”

Алифбе! Бу китоб нафақат болажонлар, балки биз катталар учун ҳам қадрдондир. Унинг ҳар бир сатри, ҳарфи, қизиқарли, рангли суратлари ҳар биримизга ардоқли. Чунки шк бора тортина-тортина мактаб остонасига қадам қўйган, ҳаяжондан энтикиб, билганларимизни ҳам айтиб бера олмаган, папкаимизни кучоқлаб ухлаб, тезроқ тонг отишини интизор кутган онларимиз — бари-бариси алифбе билан боғлиқдир.

Куни-кеча “Алифбе” билан қадрдонлашиб қолган шаҳримиздаги А. Қодирий номли 13-мактабнинг 1-синф кичкинтойлари ҳам сеvimли китоблари билан хайрлашдилар.

“Алифбе байрами”га болажонларнинг оналари ҳамда бу-

вижонлари меҳмон бўлиб келишди. Болажонлар илк бор ҳарф танитиб, билимлар қасри калитини тутқазган “Алифбе” китобидан миннатдор бўлиб раҳматлар айтишди. Йиғилганларга йил давомида устозлари Шарофат опа Шарипова ва Раҳимова опа Раҳимовадан олган билим ва сабоқларини, билимдону зукколикларини намоиши этишди. Қушиқ кўйлаб, рақсга тушишди, ҳатто меҳмонларни ҳам ўйинга тортишди. “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи”, “Ноннинг ушоғи ҳам нон” мавзуларида кичик сахна асарлари намоиши этишди. Айниқса, Насиба Иброҳимова, Зилола Муқимхўжаева ижросидаги лапар ва термалар меҳмонларга манзур бўлиб, ойижону бу-вижонлари мамнун қайтишди.

Суратларда: “Алифбе байрами”дан лавҳалар.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



ЁШ САНПОСТЧИЛАР-
ЭНИНГ ўзаро
беллашувлари яхши бир

беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қарияларга ёрдам қўлини чўзиш, доривор ўсимлик ва гиёҳларни билиш ҳамда улардан фойдаланиш, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билишда бир-бирларидан

қолиппадилар.

Ғолибларга аталган қимматбаҳо совғалар ҳам ўз эгаларини топди.

Суратларда: 152-мактаб еш санпостчилари Феруза Атемқулова, Гулчехра Раҳимбоева, Нигора Собирова ва Зухра Раҳимова ҳакамлар хайъати аъзоси И. Темлякованинг саволларига бийрон-бийрон жавоб қайтармоқдалар.

Р. АЛБЕКОВ туширган суратлар.



САНПОСТЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

анъанага айланиб қолган. Беллашув — ўзига яраша бир имтиҳон, билганларни ўртоқлашиб, билмаганларини ўрганиш демакдир. Ана шундай қизгин беллашувлардан бири Тошкент шаҳридаги 77-мактабда бўлиб ўтди. Ҳамза тумани Қизил ярим ой жамияти санпостчилари ўзаро куч синашди. Беллашувлар 8 тур бўйича ўтказилди. Уқувчилар

Олимжон ака дарс ўтаётганида синф хонаси сиз тасаввур қила олмайдиган даражада жим-жит бўлади. Устоз адабиётимиз ҳақида тўлқинланиб сўзлайдилар, қироат билан шеър, ғазаллар ўқийдилар. Шунинг учун ўқувчиларининг аксарияти адабиёт шайдолари...

Олимжон ака Фозилов ўз педагогик фаолиятини уруш йиллари 1-мактабда бошлади. Уруш

“Халқ маорифи аълоҳиси”, 1941-1944 йиллардаги урушда қатнашганлиги учун талайгина орден ва медаллар билан тақдирланган Олимжон ака бугун 71 ешдалар. Шу ешда ҳам отахон меҳнат фаолиятларини давом эттирмоқда. Ўз билганлари, иш тажрибаларини еш мураббийларга,

САДОҚАТГА ЧОРЛАГАН УСТОЗ



қийинчиликлари Олимжон аканинг ўз касбига бўлган ғайратини янада орттирди. Жанг майдонида, дўстлари енида Ватан ҳимояси учун кўрсата олмайётган қаҳрамонлигини (у оғир яраланиб, фронтдан қайтгани) фронт ортида болаларга билим беришдек муқаддас иш билан давом эттиришни ният қилиб, жисмоний тарбиядан дарс бера бошлади. Кейинчалик малакасини ошириш мақсадида Наманган педагогика олийгоҳини тамомлади.

Олимжон ака биринчи дарс соатида бошлаб болалар онгига она юртта муҳаббат, садоқат, меҳроқибатни сингдириб борди.

ўсмирларга ўргатиб келмоқдалар. Куни кеча нишонланган — 1941-1944 йиллардаги фашизм устидан қозонилган ғалаба кунида отахонни дўстлари, етти нафар фарзандию неваралари, кўплаб ўқувчи ва шоғирдлари қутлашди. Отахонга соғлиқ ва ғайрат тилашди.

М. САЙРАМОВ,
Наманган вилояти, Чортоқ шаҳар иқтидорли болалар махсус мактаб-интернати Болалар ва ўсмирлар уюшмаси ташкилотчиси.



— Болалиқдан маҳалламизга бирон бир аскар хизматдан қайтса, ҳамтенгилар билан 2-3 кун унинг орқасидан қолмасдик. Фаройиб ҳикояларини эшитиб эса неча тунлар тушларимиз ҳам ўша ўзга оламдаги қизик воқеалар билан банд бўлардик.

“Йингит омон бўлса, хавфу хатар йўқ”
2-БЕТ

Эсингдами, ўша сариқ гулиннинг энди очилаётган гўнчаларини улоқчалар еб кетгани? Ушанда роса алам қилганмиди?

“Вахшиворда қолган болалиқ”

3-БЕТ

Жиянчам бор Дурдона,
Жуда ҳам маҳмадона.
Учта ўғил ичида,
Қиз бола-да бир дона.

“Ижод оҳанграбоси тортганда...”

4-БЕТ


Мустиқил юртнинг қўшнилар ҳавас қилса арзийдиган қўшини бўлиши керак. Аждодларимиз бекорга ўн ёшидан фарзандларига жанговар машқларни ўргатишмаган. Шу боис ҳам туркий халқларнинг болалари қилич ўйнатишу найзабозликда, суворийлардай отда юриб ўқ отишда уста бўлишган. Буюк Темур 12 ёшида тахтни эгаллаган. Бобирнинг ҳарбий санъатига дунё ҳамон қойил қолади. Мангуберди, Темур Малик саркардалигига душманлар ҳам тан беришган.

Афсуски, кейинги бир асрдан кўпроқ вақтдаги мустамлака асорати юқоридаги ҳақиқатларни гўё эртақка айлантириб қўйди. Жанговар халқ фарзандларининг аксарияти атайин ҳарбий билим ва амалиётни эгаллашга яқинлаштирилмади.

Йигитларимизнинг кўплари ҳарбий

йигитлар Чирчиқ шаҳри ёнида жойлашган Танкчилар ҳарбий билим юртида ҳарбий-спорт ўйинларининг саккиз тури бўйича куч синашдилар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 100 метрга югуриш, 200 метрга тўсиқлар орқали югуриш, граната улоқтириш, турникда тортилиш, 24 килограммли тош кўтариш, газга қарши анжомларни кийиш, автоматдан отиш, уч чақиримга югуриш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Мустиқил жумҳуриятимиз вилоятлари ичида биринчи бор ўтказилган бу кўрик-мусобақа бекорга "Аскар-94" деб аталмаган. Чунки илк бор шу жойда 15-16 ёшли ўспирин йигитчалар 3 кун танкчилар казарма-ётоқхоналарида истиқомат қилишиб, аскарликнинг ширин нонидан татиб кўришди ҳамда юртга посбонликнинг залворли



гини татиб кўрдик. Шунинг бир завқигада бир ярим йил уйдан йироқда, Ватанга посбонлик қилса арзиркан, деган фикрга келдим.

— Тенгдошингизнинг гапига Сиз ҳам қўшиларсиз!



Жамол ЖОНИЕВ,
Олмалиқ шаҳридаги
19-мактабнинг ўқувчиси:



МУРОД СУЛТОНОВ,
Оҳангарон шаҳридаги
1-мактаб ўқувчиси:

— Бўлмаса-чи. Бу кўрик бошқа яна бир яхши жиҳати билан менга маъқул бўлди. У орамиздан энг чапдаст, ўзи ҳарбий касбга иштиёқманд тенгдошларимизни саралаб келгусидаги маҳоратларини оширишга йўл очади, уларга ҳарбий олийгоҳларда маҳоратларини оширишга йўлланмалар беради. Келгусидаги фахримиз, бўлғуси миллий қўшинимиз шундай азаматлардан ташкил топади-да.

... Бу сингари жуда кўп йигитчаларнинг суҳбатини олиб, бир қувонсак, маҳоратларини кўриб,



хизмат палласида ҳарбий машғулотлар нималигини билмай қурилиш қисмларида мардикорлик қилиб қайтишди. Иккинчи ёқдан, улар ҳарбий топшириқларни уддалашга яроқсиз ҳолга ҳам келтирилди. Чунки болалиқдан соғликлари етарлича муҳофаза қилинмади. Мактаб ёшидан ҳарбий хизматга тайёрлаб борилмади.

Мана, миллатимиз эрки яна ўзимизнинг кўлимизда, юртимиз дахлсизлигини эса бутун дунё тан олди. Аммо уни кўз қорачиғидай асрашимиз учун замонавий ҳарбий билимларни пухта эгаллашимиз керак. Бунинг учун бошқаларга қараганда камида 2 карра кўпроқ тер тўкишимиз ва матонат кўрсатишимизга тўғри келади. Бу она юрт, она халқ талаби. Ҳаммадан ортиқ умид— болалардан. Бугун мактаб ўқувчиси бўлган ўспиринлардандир. Улар ҳарбий соҳада керакли билим ва тажрибаларни эгаллаб, Ватаннинг чинакам посбони, ўктам ва мард ўғлонларига айланиши шубҳасиз.

Буни, шу озод юрт фарзандиман, деган ҳар бир юртдош тобора кўпроқ ҳис қиляпти. Тошкент вилоятида эса амалий ишга киришилганига ҳам анча бўлди. Вилоят Ёшлар Иттифоқи, Халқ таълими бошқармаси, "Ватанпарвар", Спорт кўмиталари ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг ҳарбий хизматга тайёргарлигини синовдан ўтказишди. Даставвал туманлардаги мактаблар ўзаро ҳарбий-спорт ўйинлари бўйича беллашдилар. Мўлжалдагидек туман голиблари вилоят кўригида қатнашадиган бўлди. Шу йилнинг 21, 22, 23 апрел кунлари вилоятнинг барча туманларидан чапдаст, чаққон ва моҳир ўспирин

масъулиятини ҳис қилишди. Айниқса, зобитликка иштиёқмандларнинг Чирчиқ адирлари бағрида ҳарбий кўрикларда яйраганини айтмайсизми?! Уларга Тошкент ҳарбий билим юрти зобит ва толиблари аскар учун энг зарур йўл-йўриқларни кўрсатишда жонқуярлик кўрсатишди. Хизматдагидек 6 та бўлинмага бўлинган ҳолда ўз бурчларини ўтаган йигитлар бу кунлар ўзгача таассуротлар билан қайтишди. Буни суҳбат палласидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди.



Искандар ЭРГАШЕВ,
Оҳангарон шаҳри,
А. Навоий номидаги
мактаб ўқувчиси:

— Болалиқдан маҳалламизга бирон бир аскар хизматдан қайтса, ҳамтенгилар билан 2-3 кун унинг орқасидан қолмасдик. Фаройиб ҳикояларини эшитиб эса неча тунлар тушларимиз ҳам ўша ўзга оламдаги қизиқ воқеалар билан банд бўларди. Қариндош аскарлар бўлса ҳали келмасидан бурун шапкасини биров, қайишини бошқамиз эгаллаб қўярдик. Мана ҳозир илк бор армиянинг тушли-



— Искандар аскарликнинг бир томони ҳақида гапирди. Лекин мен ўрганиш учунда окоб (хандак) ковлар эканман, Ватанни ҳимоя қилиш қанчалик оғир ва матонатли иш эканлигини ҳис қилдим. Буни фақат мард, чаққон, юртини онасидай яхши кўрган йигит талабдагидай адо этиши мумкин. Ахир керак бўлса жонни қурбон қилишга ҳали тўғри келиши мумкин. Ҳам Ватанни, ҳам жонни асраш учун эса жуда ҳам моҳир бўлиш керак. Бунинг учун ҳозирдан тинимсиз машқ қилиб бормасак бўлмайди.



Жаҳонгир САҒДИЕВ,
Паркент туманидаги
2-мактаб ўқувчиси:

— Ошнаимиз жуда қаттиқ олди-ку! Лекин очиги ҳам шу. Бундан ташқари, бу кўрикда бизнинг жисмоний чиниққанлигимиз қай даражада эканлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Мен спортчи бўламан деб юрибман. Ҳатто, спортнинг футбол, баскетбол, фарғонача кураш турлари бўйича мактабда, туманда фахрли ўринларни эгаллаганман. Аммо вилоят мусобақасига қатнашиб билдимки, чинакам рекорд натижаларга эришмоқ учун ҳали анча-мунча тер тўкишга тўғри келар экан.

— Сен йигитнинг ҳам қарашингдан бу фикрларга нимадир қўшимча қилиш ниятинг бор чоғи...



АСКАР-94

“ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА, ХАВФУ ХАТАР ЙЎҚ”

янада кўнглимиз кўтарилди. Эришилган натижаларга кўра, вилоят шаҳарлари бўйича биринчилик Чирчиқ шаҳри мактаб ўқувчиларига насиб қилди. Туманлар орасида эса бўстонлиқликлар энг юқори кўрсаткичга эришиб, совринли мукофотни қўлга киритдилар.

Кўрикда яқка ҳисобда энг яхши натижага эришган чирчиқлик Андрей Фетисов 100 минг сўм, бўстонлиқ Андрей Манин 70 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Юқорида номлари зикр қилинган бу кўрик-мусобақани ташкил қилганларга ташаккур билдириш билан бирга бу тадбирни бутун жумҳуриятда оммалаштириш, доимий ўтказиб туришни йўлга қўйиш вақти етди деб ўйлаймиз. Буни Республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби А. Тешабоев, кўрик ташкилотчиларидан бири — Тошкент вилояти ҳарбий ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор В. Маҳмудов ва бошқалар ҳам алоҳида таъкидладилар.

"Аскар-94" га ўхшаш ҳарбий-спорт кўрик мусобақалари яна шунинг учун ҳам керакки, у бир ойна. Бугунги ўқувчи — эртанги аскар, қандай даражада ҳарбий-жисмоний тайёргарликка эгаллигини "манаман" деб кўрсатиб беради. Эндигина шаклланиб келаётган ҳарбий ишларимизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ва камчиликларни эса шу кўзгуга қараб ҳам ҳал қилса бўлади.

Суратда: «Аскар-94» кўрик-мусобақалардан лавҳалар.
Вафо ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Муҳаммад АМИН туширган суратлар.

ЁШ ИЖОДКОР БИЛАН СУҲБАТ

- "Йўқотганим вақт бўлди" деган экан Гёте. Файласуфлар терминини бунга қўлласак "фикр ичида". Айт-чи, сенингча у қайси фикрга ургу бермоқчи? Албатта, бу сенинг қораламанга тааллуқли.

— Менимча, яшашга иштиёқ, ўн чандон ортгандагина одам хаёлан вақтни яна чўзмоқ истаиди. Чунки вақт — йўқлик ва борлик майдони, демокчиманки, берилган умрни ибратли ва ибратсизлигини ҳал этувчи палладир. Буни Гётега қўлласак унинг умри ибратлидир.

— Тушунишимча, машқингдаги "Вафодор кучуқнинг кўзларида "Айролик" айнан вақтнинг ҳақамлиги эмасми?

— Тўғри, кучуқ ҳам, "сирли-сирли шеърлар,

мунгли-мунгли қўшиқлар айтмоққа ошиққан бола" ҳам вақтнинг "қурбонлари". Яъни қайтмас болаликнинг Хотирага айланган огриқли йиллари. Огриқли, дедик, Нитше айтмоқчи, "ҳақиқий одам ичига ўйинқароқликни яхши кўрадиган болақай яширинган". Шу боисдан бўлса керакки, одамнинг болаликка қайтгуси келаверади.

— "Менлик" гушунчасига қандай қарайсан?

— "Менлик" — ўзлик, дея изоҳланади. Ўзингдан кечмоқлик ва ўзни "менлик"ка кўтариш демак. Болалигимнинг бир онига бугунги ҳафталик кунларимни алишаман.

— Ижодий барака тилайман!

ШАКАР

Ахир Вафодор қасал эмас эдику, қасал эмасди...

...Мана ҳисоблаб кўрсам, Вафодорни отиб кетишганига ҳам уч йилдан ошибди. Эсингда бўлса, ўшанда Вафодор кучугининг кўзларида Айролик балқиб, мириқиб-мириқиб чанқогини босганди. У ҳам етмагандай сенинг кўзларингидида симириб-симириб ича бошлаганди. Тириклик нишонасини эслатувчи саждагўйлик вафоси. Бари-бариси аллақачонлар Хотирага айланган.

Мана Хотира билан суҳбатдаман. Уюм-уюм армонлар... нақадар аянчли ҳолат.

Биламан, болалигим, сенда катта кишиларга хос ҳовуч-ҳовуч дардларинг йиғига айланолмай Армонга ошно тунган кўнгилян.

Вафосиз йиллар. Улар нима қилишмади — мени сендан, сени мендан айирди... Ҳей, болалигим!

Менинг мендан ўзга "менларим" бор. Ўша "менлар"имдан бири сенсан, болалигим. "Менлик" эҳтимол кечмишдир? Тошкент кўчаларида соғинчдан ўқиб юрсамда, сени унутганимча йўқ. Вахшиворнинг дашти тупроқли кўчаларида саросар кезинаман. Гарчи мени эсингда

олмасангда, сени ўқисиниш тўкилиб эслайвераман,

Рух қақшамоқда. Яна дардлар ҳукмронлиги

Зарифжон ҚУРБОН ВАХШИВОРДА ҚОЛГАН БОЛАЛИК Бадиа

безовталиқ. Яна юрак...

Хаёлларимнинг олис-олис тупроқли кўчаларида қўйлар боқиб келаётган, кимгадир сирли-сирли шеърлар, мунгли-мунгли қўшиқлар айтмоққа ошиққан, ҳей, болалигим. Мени соғиндингми? Дарвоқе, қишлоқдош қиз ҳақида тўлиб-тўлиб дардли бир қўшиқ ёзмоқчийдинг, қишлоқдош қизга тўйиб-тўйиб дардларингни тўқмоқчи эдинг? Бир қўшиқ ёза билдингми, қишлоқдош қизга тўкилиб ололдингми, ҳей, болалигим! Вахшиворга ҳар сафар борганимда, сени сўрайман. Сен эса доим даштга қўй боқиб кетган бўласан.

Баҳорнинг йиғлоқи кунлари...

Хотирот саросар...

Осмон сенга сўзлар тўка бошлайди. Яна ҳам кўпроқ сўзлай бошлайди, осмон. Сен эса шалоббога беланиб қўйлар-ила қайтаверасан. Баҳорнинг йиғлоқи кунлари доим шунақа...


Ҳей, болалигим, армонийл кўчаларида дарвешона тентирасам-да, сени унутганимча йўқ. Дўстларимни ҳам: Алишер, Илҳом, Баҳтиёр, Фозил. Тушимда Вахшивортоққа чиққан эмиш-миз.

Болалигим, Вахшиворда дарахтлар кула бошладими? Сен эккан боғ гуличи?

Эсингдами, ўша сариқ гулингнинг энди очилаётган гўнчаларини улоқчалар еб кетгани? Ўшанда роса алам қилганмиди?

Тошкент. Мана дарахт юзларида баҳорнинг кулгуси ҳам бошланди. Кун мағрибга булутлар орасидан ҳийла оғаётган он. Ёмғир. Биламан. Сен мана шу онда ёмғирларга беланиб қўй ҳайдаб қайтаётирсан. Ҳей, болалигим, мен сенга тўйиб-тўйиб тўқилгим келаверади. Сен-чи, сен ўзингнинг баҳор қалдирғочингни эслай оласанми?...

Миллий ҳунармандчилигимиз донги жаҳонга машҳур. Кулолчилик, ганчкорлик, бешиксозлик... Эҳ-ҳе, санайверсанг тури кўп. Ўз касбининг моҳир усталари — боболар, оталар эса ҳунарларини ёшларга ўргатиб келишяпти. Уларнинг бири Мирсад ота ҲАКИМОВ. У моҳир бешиксоз:



— Мана бу бешиқларга бир қаранг, — дейди ота Улар бозорга келгунча, шунча рангу чирой олгунча озмунча мёҳнат талаб қилмайди дейсизми?! Бешиқчилик бизга отамерос. Отам раҳматли мени ҳар куни ёнларига мажбуран ўтиргизиб олардиларда касбининг сир-асорини ўргатардилар. Мажбуран

ҲУНАРСИЗ БОЙ БЎЛОЛМАЙСИЗ

дейишимга сабаб: ёш бола эдик, икки соатлик ўқиш-ўрганишдан кўра, икки соатлик ўйинни афзал кўрардик-да. Лекин бора-бора бу ҳунарга меҳрим ошди. Аввалбошда митти-митти бешиқлар ясар, ўз билгимча ранг-тасвирилар берардим. Сўнг (18 ёшдан) катта бешиқка қўл уриб, илк бешигим хизматга тушганида шодлигимнинг чеки бўлмаган.

Бешиқ яшаш машаққатларини унинг устасигина билади. Шунинг учун ҳам маҳсулотимизнинг бирини харидор қўлига бераётганимизда ундан тушаётган пулга эмас, бизнинг меҳнатимиз бировга хурсандчилик келтиришига севинаямиз. Аммо мана шундай ҳаяжон бугунги кундаги ёшларга биров бегона. Улар ҳунар ўрганишдан кўра, тайёр нарсани арзонроқ олиб, қимматроқ сотишни афзал кўришади. Бозорда соддароқ деҳқонни "чув" тушираётган, ҳали она сути оғзидан кетмаган ўсмирларни кўп кўрганман. Уларни тўхтатиб, насиҳат беришга ҳам уринганман. Ҳозир энг муҳими — ана шу йигит бўламан, деб бош кўтарганларга "йигит кишига қирқ ҳунар оз" эканлигини, меҳнатсиз, ҳунарсиз ҳеч қачон бой бўлиш мумкин эмаслигини тунтиришдир.



Умида УСМОНОВА. Суратда: Мирсад ота невараси — С. Зунонова номидаги мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси Сунатилла ҲАКИМОВ билан.

Ақтам бултур 9-синфни тугатди, Шоназар эса Исломо номидаги 46-мактабда ҳали ўқувчи. Гап шундаки, ҳар

Нормўмин акам отамнинг ўрнида бош чўпон. Акаларим — Нормамат, Алишер ва мен ёрдам берамиз. Тўнғич акам

қандай бўларкин?" деб қолди. Бошқа адирлар оғушидаги бу қишлоқда Ақтам билан Шоназар истиқомат қилишади. Уларни кўпроқ 2-3 чақирим наридаги кенг яйловлардан топасиз. Ақаси Нормўмин Бердиевнинг отари шу ерда. Ака-укалар 700 бошдан зиёдроқ қўйни боқишади. Яқинда қўзилатиш мавсуми қувончли якунланди. Ҳар юз бош совлиқдан 100 тадан соғлом ва дуркун қўзи олинди. Бунда Ақтамжоннинг ҳам, ўқувчи Шоназарнинг ҳам муносиб улушлари бор.



Олис Нуробод туманидаги "Ўзбекистон" давлат хўжалиги марказида Жарқудуқ деган бир қишлоқ бор. Муаззам қирлар ва

АКА-УКА ЁШ ЧЎПОНЛАР

иккисининг ҳам ота касб — чўпонликка иштиёқи баланд. Уларни Тўла қудуқ ва Узун қудуқ яйловларида сурув ортида учратиб гуруннга тортдик.

— Ўқишим унча ёмон эмас эди, — дейди Ақтам. — Аслида мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ "бари-бир чўпон бўламан" деган ниятни дилимга тугиб қўйган эдим. Отам Файзулла Бердиев 45 йилга яқин оиламизни ота мерос касб нони билан боққан. Ҳозир 73 ёшда. Онам бу йил қутлуг 63 — Пайгамбар ёшига тўлди. Қишлоғимизда Ойтош деса кўпчилик танийди. Оиламиздагилар бизни меҳнатсеварликка ўргатишган.

Отам ва онамнинг 15 нафар фарзанди бор. 1991 йилдан буён



Очил Бердиев — ўқитувчи. Бир куни "Ука, ўқишингни давом эттирсанг, қишлоқ бор. Муаззам қирлар ва

Абдулла ТУРДИЕВ, журналист. СУРАТДА: хўжаликнинг бош ветеринария шифокорининг даволовчи ёрдамчиси Абдуҳалил Бўронов ёш чўпон Ақтамжон Бердиев билан.

Ҳақимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

ИЖОД ОҶАНГРАБОСИ ТОРТГАНДА...



**ТЕНГДОШЛАРИНИГ
ИЖОДИДАН**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 165-мактабнинг 5-6-синфларида журналистика ихтисоси бўйича дарс ўтказиладиган бўлибди. Мактаб маъмурияти менга буни маълум қилиб, шу синф ўқувчиларига дарс беришимни илтимос қилишди. Мактабга келдим, ёш қалб эгаларининг матбуотга, ижодга бўлган қизиқишларини кўриб, хурсанд бўлдим. Ғўе ижод оҳанграбоси уларни ўз оғушига тортиб

тургандай эди. Шу боисан улар матбуот ва унинг жанрлари, ижод сирлари ҳақидаги сабоқларни жон қулоқлари билан тинглайди, ҳаётдаги янгиликларни қаламга олиш, илҳом билан шеърлар ёзиш борасидаги топшириқларни жон-диллари билан бажариб келишади. Қисқа вақт ичида улар қатор шеърлар машқ қилиб, деворий газета чиқаришди. Қуйида сиз икки синф ўқувчиларининг ёзган айрим шеърлари ва мақолалари билан танишасиз.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
ёзувчи.



Суратда: ёзувчи М. Худойкулов машгулот пайтида.



Зулфия НИЁЗОВА

Тойчоқ

Арпа-сули берсин деб
Жийрон тойим
кишнайти.

Бориб қолсам олдига
Эркаланиб тишлайди.

Дукур-дукур тойчоғим,
Сакраб ўйнар ўтлоқда.
Катта бўлса кўрасиз
Енгиб чиқар улоқда.



Акмал ЖАЛИЛОВ

Хаелий шеър

Илҳом келиб дилимга,
Қалам олдим қўлимга.
Хаелимда бир асар
Балки шеърдир ё ғазал?
Ёзмоқчиман маъноли,
Болаларга фойдали.
Аммо у битганча йўқ,
Дафтарга тушганча йўқ,
Лекин бир кун битади,
Китобхонга етади.

Баҳор

Баҳор қандай ажойиб,
Қуёш нури мўл сочар.
Дала-боғлар кўкариб

Инсонга бағрин очар.
Гул-лолалар очилса
Қалбинг завққа тўлади.
Баҳор ёмғирларидан
Анҳор дарё бўлади.



Шахноза УБАЙДУЛЛАЕВА

Олча

Олча, олча, тоғолча,
Тоғолчамас-боғолча.
Шохларингни эгаман,
Битта-битта тераман.
Мураббонгни еганда
Бувим раҳмат деганда
Кўнглимга тугдим
албат—
Баҳорда экай кўчат.



Дилфуза МИРЗААХМЕДОВА

Топишмоқ шеър

Қуёш каби думалоқ,
Ўртаси-чи — чуқурчоқ,
У тандирда пишади,
Ва саватга тушади.
Айтчи, қизим Лолаҳон?
Буми, ойи...



Мадина ИСРОЙЛОВА

Укки билан икки

Укки билан иккини
Билиб олгин фарқини.
Ўқий олмай уккини,
Олиб юрма иккини



Нодира УСМОНОВА

Дурдона

Жиянчам бор Дурдона,
Жуда ҳам маҳмадона.
Учта ўғил ичида
Қиз бола-да бир дона.
Бошқага гап бермайди,
Бир дақиқа тинмайди.
"Мен-чи, фалон,
писмадон..."

Акалар бўлиб ҳайрон,
Дейишди: "Эй Дурдона,
Жим турсанг-чи, бирон-а!
Кам гапириб кўп тингла,
Одоб нелигин англа.
Шунда бўлурсан доно,
Ҳам ҳақиқий Дурдона".



Дилфуза ОРИФЖОНОВА

Гулзор

Гулзорга кирдим
Кўлимда челақ.
Муздеккина сув
Гулларга керақ.

Гулларнинг таги
Қуриб қолибди.
Кўм-кўк барглари
Сўлиб қолибди.

Ариқдаги сувдан
Гулларга қуйдим.
Меҳримни тўкиб,
Авайлаб суйдим.

Ишимни кўриб
Ойим кулдилар.
"Оппоқ қизим" деб
Ўпиб қўйдилар.



Нодира ЮСУПОВА

Мақол-шеър

Кимки қилса ҳаракат

У топади баракат.

Қилмаса ким ҳаракат,

Қайдан келсин баракат!

БИР КЎЛИМДА ИГНАЮ ТИЗЗАМДА КАШТА

Мен кашта тикишга қизиқаман. Кашта тикиш учун оқ матога ҳар хил гулларнинг расмини чизиш керақ, кейин ранг-баранг иплардан фойдаланиб тикиб чиқиш керақ. Буни бизга ўқитувчимиз Сабоҳат опа Алиқориева яхшилаб ўргатадилар. У киши бизга яна тикувчиликни ҳам ўргатадилар. Мен кўйлақларнинг ёқасига, олдига турли гуллар тикишни ўрганиб олдим. Кашта тикишдан ташқари пешбанд (фартук) ва ярим кўйлақ (юбка) тикишни ҳам ўрганиб олдим. Яқинда ўзимга пешбанд билан ярим кўйлақни тикдим. Ўқитувчим кўриб, "Барақалла, кўлинг келиб қолибди, сендан яхши тикувчи чиқади", дедилар. Мен ўзимда йўқ кувониб кетдим.

Умида РАСУЛОВА.



ХОРИЖЛИК МЕҲМОН

Дадамлар фирмада ишлайдилар. Идора иши билан хорижга ҳам бориб турадилар. Яқинда Жанубий Кореяга бориб келдилар. "Мен у ерда бир ишбилармон одам билан танишдим. Яқинда биз томонларга келар экан. Мен уни меҳмонга таклиф қилдим", деб қолдилар.

Мен жуда қайратга тушдим. Чет элликларни фақат киноларда эки ойнай жаҳон орқали кўрадлик, наҳотки, бизниқига меҳмон бўлиб келишса... Мен бу кунни сабрсизлик билан кута бошладим. Мана, ўша кун ҳам келди. Уйимизда меҳмон кутиш учун яхшилаб тайёргарлик кўрилди, дастурхон безатилди.

Кутилган меҳмон уйимизга кириб келди. Унинг енида таржимони ҳамбор экан. Меҳмон таржимон орқали биз билан саломлашди ва совғалар берди. Меҳмоннинг исми Ким Ван экан. У жуда хушчақчақ киши. Бироздан сўнг у хайрлашиб кетди.

— Вой, меҳмон овқат емабдию, нима биз пиширган палов ёқмадимикин?
— деди ойим хавотирланиб.

— Чет элликлар кечкурун серғушт, серег овқат ейишмас экан, — деб жавоб берди-дадам. — Лекин у "Ўзбеклар жуда меҳмондўст бўлар эканлар", деб хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳайрият, — дедим мен ҳам ичимда. Негаки, хориждан келган меҳмоннинг бизниқидан хурсанд бўлиб кетиши жуда-жуда хоҳлардим-да.

'Наргиза АЗИМОВА.



С. Зоиров туширган суратлар.

Бош муҳаррир ва илфасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ

Таҳрир ҳайъати:
С. БАРИНОВ, А. БЕРДИМУРОДОВ,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КЎЧИМОВ,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА,
С. ШУКУРОВА.

Таъсис этиувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕПЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТЕБУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ
Напр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва сәҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-903. 75244 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6